



ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Раҳимова Севара Гайратовна

Муҳаммад ал -Хоразмий номидаги

Тошкент ахборот технологиялари университети

Аннотация. Мамлакатимизда электрон тижоратни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда ва бу бежиз эмас албатта. Чунки бу турдаги савдоларнинг ташкилотлар учун ҳам, миждозлар учун ҳам қўлаб афзалликлари мавжуд. Ташкилотлар электрон тижорат орқали ўз даромадларини ошириши, миждозлари сонини қўпайтириши ва бундан ташқари ўз товар ва хизматларини хориж давраларига ҳам сотишлари мумкин бўлади. Миждозлар эса ўз навбатида товарларни уйдан туриб интернет орқали сотиб олиш имкониятига эга бўладилар.

Калит сўзлар: интернет, нарх, транспорт-логистика сектори, электрон тижорат, транспорт инфратузилмаси.

ЗНАЧЕНИЕ РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОННОЙ ТОРГОВЛИ В ЭКОНОМИКЕ СТРАНЫ

Раҳимова Севара Гайратовна

Ташкентский университет информационных технологий имени

Муҳаммада аль-Хорезми

Аннотация. В нашей стране развитию электронной коммерции уделяется большое внимание, и это наверняка не зря. Потому что этот вид торговли имеет множество преимуществ как для организаций, так и для клиентов. Организации смогут увеличить свои доходы, увеличить количество клиентов, а также продавать свои товары и услуги зарубежным странам посредством электронной коммерции. У клиентов, в свою очередь, появится возможность покупать товары онлайн, не выходя из дома.

Ключевые слова: интернет, цена, транспортно-логистический сектор, электронная коммерция, транспортная инфраструктура.

THE SIGNIFICANCE OF THE DEVELOPMENT OF ELECTRONIC COMMERCE IN THE ECONOMY OF THE COUNTRY

Rahimova Sevara Gayratovna

Tashkent University of Information

Technologies named after Muhammad al-Khorazmi

Abstract. In our country, a lot of attention is paid to the development of e-commerce, and it is certainly not for nothing. Because this type of trading has many advantages for both organizations and customers. Organizations will be able to increase their income, increase the number of customers, and also sell their goods and services to foreign countries through e-commerce. Customers, in turn, will have the opportunity to buy goods online from home.

Key words: internet, price, transport-logistics sector, e-commerce, transport infrastructure.

Кириш.

Мижозлар интернет орқали товар буюртма қилар экан, унинг етиб келишини интизорлик билан кутишлари аниқ ва бу электрон тижорат ташкилотларига мижоз товарларини ўз вақтида, шикаст етказмасдан ва арзон нархларда етказиб бериш масъулиятини юклайди. Шу нуқтаи назардан, электрон тижоратни ривожлантиришда транспорт логистиканинг роли катта ҳисобланади.

Бир мамлакатнинг иқтисодиётининг ривожланишида транспорт-логистика сектори муҳим рол ўйнайди ва бу йўналиш иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланади. Мамлакатда юклар ҳажми қанчалик кўп бўлса ва у қанчалик тез айланса, ташкилотлар шунчалик кўп фойда кўради ва ўзларининг самарадорлигини оширади. Транспорт логистикаси электрон тижоратнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва кўплаб электрон тижорат ташкилотлар учун бу катта масаладир. Агар уларнинг товарлари арзон ва сифатли бўлса-ю лекин, мижозларга ўз вақтида етказиб беролмаса мижозлар интернет орқали савдоларни тўхтатиши мумкин. Транспорт-логистиканинг ҳозирги ҳолати. Жаҳон банки томонидан чоп этилган логистика самарадорлиги ҳисоботида кўра Германия, Швеция, Белгия, Австрия ва Япония каби давлатлар энг самарали логистика тизими эгалар. Ўзбекистон эса бу рўйхатда 160 давлатдан 99- ўринда бормоқда.

Бу рейтингни ишлаб чиқишда Жаҳон банки божхона самарадорлиги, юкларни ўз вақтида етказиш даражаси, логистика мутахасисларининг билим даражаси, транспорт инфратузилмасининг қулайлиги ва сифати эътибор берилган. Демак рейтингдан кўриниб турибдики, республикамиздаги транспорт-логистика тизимида қилиниши керак бўлган ишлар мавжуд. Биз биламизки, республикамизнинг энг арзон транспорт тури бўлган денгиз портларига тўғридан тўғри чиқиш имконияти мавжуд эмас ва бу ҳолат мамлакатимизда самарали логистика тизимини барпо этишни икки карра тақозо этади. Республикамиз Марказий Осиёда энг яхши транспорт инфратузилмасига эга. Ҳозирда мамлакатимиз ҳудудидан 42530 км авто йўл, 4500км темир йўл излари мавжуд. Ўзбекистон транзит мамлакат сифатида Афғонистонга кириш ва у орқали Бандар Аббос ва Чобаҳор портларига чиқиш имконияти Тожикистон давлатига кириши зарур ҳисобланади. Шунингдек ҳозирги кунда Қирғизистон орқали Хитой билан ўзаро темир йўлларни қуриш мўлжалланмоқда. Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги яна бир салоҳияти бу Туркменистон орқали Эрон ва Туркияга чиқиш имкониятидир. Агар ушбу лойиҳалар амалга ошса, бу мамлакатимиз иқтисодиётига кўплаб фойда олиб келади. Адабиётлар таҳлили. Электрон тижоратни юритишда транспорт логистиканинг роли тўғрисида кўплаб олимлар ўз фикрларини ўз илмий ишларида келтириб ўтишган. Уларга кўра, электрон тижоратнинг ривожланиши мамлакатдаги транспорт-логистика сектори ривожини билан чамбарчас боғлиқдир.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштиришда, шу жумладан электрон тижоратни ривожлантиришда муайян натижаларга эришиш имконини берди.

Шунга қарамай, мамлакатда электрон тижоратнинг тўлақонли бозорини яратишга, товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорларга чиқишига тўсиқ бўлаётган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

биринчидан, электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг амалдаги тизими соҳа тараққиётининг жадал суръатлардаги ўзгаришларига мос келмайди ва ўз навбатида аҳоли кенг қатлами ва тадбиркорлик субъектлари учун электрон тижоратдан фойдаланиш имконини таъминламайди;

иккинчидан, маҳаллий тадбиркорлик субъектларига ташқи бозорларда тўлиқ рақобатлашиш, шунингдек, харажатларни оптималлаштириш имконини бермаётган электрон тижорат орқали товарлар (хизматлар)ни экспорт қилишнинг эскирган бюрократик тўсиқлари сақланиб қолмоқда (Umurzakov, Vohidova, 2017);

учинчидан, электрон тижоратни ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жараёни лозим даражада йўлга қўйилмаган, бу эса иқтисодиётни рақамлаштириш ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг тўхтаб туришига олиб келмоқда;

тўртинчидан, маҳаллий тўлов тизимларининг машҳур хорижий аналоглари билан интеграцияси йўқлиги, мамлакат тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат соҳасидаги етакчи хорижий ташкилотлар билан тўлиқ халқаро ҳамкорликда ишлашларига, шунингдек, маҳаллий бозорнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигига таъсир қилмоқда;

бешинчидан, электрон тижорат имкониятлари ва афзалликларини, жумладан, товарлар (хизматлар) учун, айниқса, жойларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни омалаштириш даражаси пастлигича қолмоқда, бу эса хуфёна иқтисодиёт ҳажмининг ошишига ва давлат бюджетига солиқ тушумларининг камайишига олиб келмоқда;

олтинчидан, амалдаги солиққа тортиш тизими электрон тижорат соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, жумладан, ахборот воситачилари фаолиятини кенгайтиришни рағбатлантирмайди, бу эса Интернет тармоғи орқали маҳсулотларни хуфёна айирбошлаш ҳажми ошишига олиб келмоқда, шунингдек, ушбу соҳага инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилишни чекламоқда (Mehri, 2020).

Адабиётлар шарҳи.

Castellsнинг фикрича, электрон тижоратнинг мамлакат иқтисодиётига аҳамияти, интернет технологияларининг ривожланиши билан боғлиқдир. Интернетнинг тўсиқларсиз ўрнатилиши ва фойдаланувчиларнинг кўпайиши иқтисодиёт тармоқларининг ҳам ривожланишига имкон беради (Borchert, Gootiiz & other, 2012).

Chaffey келтиришича, электрон тижорат мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим роль ойнайди. Ушбу тизимлар орқали маҳсулотларни сотиш ва хизматларни таклиф этади, шунингдек ишчиларни ишга таклиф қилишда ҳам фойда келтиради (Mattoo, Rathindran & other, 2001).

Brynjolfsson & McAfee электрон тижорат, иқтисодиётнинг тармоқли ривожлантирилишини кўтаришда ёрдам бериш мумкин. Бу тизимлар орқали маҳсулотларнинг тақсимоли ва сотиш чизиғи ўзгариб, иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келишини, айтади (Üngör & Mirza, 2019).

Van Alstyne, Parker, & Choudary фикрича, электрон тижорат мамлакат иқтисодиётига кўпайиши қонунчиликни янада ишончли ва узоқ муддатли яратиш, солиқлар ва ҳисоботларни топшириш тезлигини ошириши мумкин (World Trade Organization, 2019).

Dhillon & Backhouse тадқиқотларига кўра, электрон тижорат фойдаланувчиларига ишонч ва хавфсизлик таъминлашдаги муҳим роль ойнайди. Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, онлайн транзакцияларни муҳофаза қилиш ва веб-сайтлар ишлаш тезлигининг юқори бўлиши электрон тижоратнинг ва бу орқали иқтисодиёт соҳаларининг ривожланишига олиб келади (Eskeland & Harrison, 2003).

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Электрон тижоратда агар харидор буюртма берган товарини ўз вақтида ололмаса, у онлайн харид қилишни тўхтатади. Самарали логистика тизими мамлакат ичидаги маҳсулот ва товарлар ҳаракатини нафақат оптималлаштиради балки уларни харидорларга қулай шароит ва қиммат бўлмаган нархда етказиб берилишини таъминлайди. Самарали логистика тизими нафақат ички бозор учун муҳим, балки ташқи бозорда ҳам маълум бир давлатнинг рақобатбардошлигини оширади ва дунёнинг бошқа давлатлари билан интеграциялашув жараёнини тезлаштиради. Айниқса Ўзбекистон каби энди ривожланиб бораётган давлатлар учун самарали логистика тизимини барпо этиш ўта муҳим вазифадир. Ташкилотлар электрон тижорат билан шуғулланар экан улар албатта логистика муаммоси билан тўқнаш келадилар. Корҳона ҳажми ва молиявий ҳолатидан келиб чиқиб ўз стратегияларини белгилайдилар. Субъектларнинг электрон тижоратда мувафақиятга эришишлари логистика жараёнини қай тарзда йўлга қўйишлариги боғлиқ.

Юқорида айтиб ўтганимиздек логистика ташкилотлари маҳсулотларни харидорларга етказиб бериш билан чекланиб қолмасдан, кўплаб қўшимча хизматларни таклиф қиладилар: омборхона хизмати, товарларни қадоқлаш хизмати, божхона брокерлиги хизмати, товарларни маркалаш, транспортни режалаштириш, таъминот занжири бўйича консалтинг хизмати ва бошқалар. Кўриб турганимиздек логистика фаолияти жуда кўплаб хизматларни ўз ичига олади. Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишида танқидий ёндашув, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, монографик кузатув, қиёсий таққослаш, гуруҳлаш, кузатиш ҳамда статистик усуллари билан фойдаланилган Таҳлил ва натижалар. Келинг энди биргаликда логистика фаолиятини таҳлил қилсак ва уларнинг турларини кўриб чиқсак.

Компаниялар томонидан электрон тижорат логистикаси хар хил турлари қўлланилиши мумкин:

1. Хусусий логистика модели – бу турдаги электрон тижоратда бир ташкилот ҳам электрон тижорат билан шуғулланса, ҳам логистика фаолияти билан шуғулланади. Бу турдаги электрон тижорат логистикасининг ўзига ҳос афзалликлари бор. Масалан, ўша ташкилотнинг ўзида барча қилиниши керак бўлган маълумотларнинг мавжудлиги ва вақт ўтгани билан тизим ўз хатоларини тўғирлаб мукамаллашиб боради. Ушбу моделнинг яна бир қулай томони шундаки, маълум бир электрон тижорат билан шуғулланувчи ташкилотнинг ўзи вазиятни назорат қила олади ва барча операциялар уларнинг ўзлари орқали бошқаларнинг аралашувисиз амалга оширилади (Mattoo & Wang, 2019).

2. Учинчи-томон логистика модели – бу субъектлар томонидан жуда кўплаб ҳолатларда қўлланиладиган модел бўлиб бунда товар ва хомашёларни харидорларга етказиб бериш бошқа бир алоҳида ташкилот томонидан амалга оширилади. Бу ташкилот одатда фақатгина логистика фаолияти билан шуғулланиб, сотувчи ва харидор билан ҳеч қандай тўғридан тўғри алоқаси бўлмайди. Яни бу ташкилот ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайди ва уларнинг иши фақатгина товарларни сотувчидан йиғиш ва харидорларга етказиб бериш билан кифояланади. Бу эса ишлаб чиқарувчиларга ўзларининг фаолиятларига концентрация қилишга имконият яратади. Кўриб турганимиздек логистика фаолияти жуда кўплаб хизматларни ўз ичига олади ва агар ушбу жараён электрон тижорат билан шуғулланувчи ташкилот томонидан амалга оширилса жуда кўплаб капитал, вақт ва жойни талаб қилади. Ҳозирги кунга келиб барча бизнес ташкилотлари ўзларининг фаолиятларида турли ҳилдаги ахборот технологияларини қўллаб келишмоқда. Хусусан, логистика соҳасида янги ахборот технологияларининг қўлланилиши, фаолият самарадорлигини ошириш билан бир қаторда ташкилотлар ишини анча энгиллаштирмоқда (Grossman & Helpman, 2002).

Электрон тижорат (e-commerce) логистикасини ривожлантириш йўналишлари ҳозирги замонда бозорнинг тез ошиши ва мижозларнинг талабларининг ўзгариши билан тақдим этилади. Электрон тижорат логистикасини ривожлантириш йўналишларига қуйидагилар кирди:

Автоматлаштирилган складлар: Роботлар ва автоматлаштирилган тизимлар орқали таҳлил, сортировка ва пакетлаш жараёнини тезлаштириш мумкин.

Тез доставка: Якка ва икки соат ичида етказиб бериш хизматларини тақдим этиш учун инфраструктурани ривожлантириш.

Хусусий логистик тизимлари: Электрон тижорат компаниялари учун махсус логистик тизимларини ишлаб чиқиш (Vokhidova & Yuanis, 2020).

Прогностик моделлаш: Махсус дастурлар орқали товарларнинг тақдимот ва етказиб бериш жараёнини ребаланслаштириш мумкин.

Транспорт учун технологик янгиланишлар: Электрон автомобиллар ва тақсимланган етказиб бериш тизимларини қўллаб қувиш.

Мижозларни кузатиш: Мижозларнинг ҳаракатлари ва эҳтиёжлари бўйича тўлиқ тушунча эга бўлиш учун маълумотларни таҳлил қилиш.

Бошқа мамлакатларга етказиб бериш: Глобал бозорга кириш учун керак бўлган логистик талабларни бажариш.

Тармоқ инфраструктурасини яхшилаш: Тижорат платформалари ва логистика компаниялари орасида боғланишни яхшилаш.

Хусусий махсус таълимлар: Логистика соҳасида ишловчи ходимларни таълимга олиш ва ишлаб чиқариш жараёнини яхшилаш.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижаларига кўра, қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Электрон тижоратнинг қисқа муддатда бўлган интилоий ошиши билан унинг логистикасига ҳам кўп даражада талаб кўрсатилиши ҳосил бўлди.

Мижозлар орасида тез ва ишончли доставка талаблари кўпайиш билан, электрон тижорат компаниялари логистика жараёнларини оптималлаштиришга кўп диққат қаратишди.

Технологик янгиланган, масалан, автоматлаштирилган склад технологияси, дронлар орқали етказиб бериш ва прогностик аналитика, логистика жараёнларини яхшилашда асосий омилга айланмоқда (Vokhidova & Yuanis, 2020).

Муаллиф томонидан қуйидаги таклифлар келтирилди:

Технологик инвестицияларни ошириш: Электрон тижорат компаниялари логистик инфраструктурани янгилаш учун кўп маблағлар сарфлашга тайёр бўлиши керак (Vokhidova & Yuanis, 2020).

Партнерлик ва интеграция: Логистика компаниялари билан электрон тижорат платформалари орасида яқин ҳамкорлик ва технологик интеграция яратиш.

Экологик маҳсулот етказиб бериш: Экологияга ёмон таъсир қилмайдиган пакетлаш материаллари ва транспорт воситалари ишлатиш.

Мижозлар билан алоқани мустақамлаш: Мижозларнинг доставка жараёнлари ҳақида маълумотга эга бўлиши ва уни назорат қилиши учун технологик яширинликлардан фойдаланиш.

Таълим ва тайёргарлик: Логистика соҳасида ишловчи ходимлар учун мустақил таълим программалари ташкил этиш ва ишлаб чиқариш процессини яхшилашга қаратилган курслар олиб бориш.

Умуман, электрон тижорат логистикаси бўйича мавжуд қийматлар ва талабларга жавоб берувчи янги технологияларни қабул қилиш, мижозлар билан алоқани яхшилаш ва логистик жараёнларни оптималлаштириш электрон тижорат секторида рақобатдошликни сақлаб қолишда асосий аҳамиятга эга.

Адабиётлар / Лумерамура / Literature:

Borchert, I., Gootiiz, B., & Mattoo, A. (2012). *The Role of Services in Global Value Chains. Policy Research Working Paper, World Bank.* [Ҳавола: <https://documents.worldbank.org/en/publication/documents-reports/documentdetail/721141468257697290/The-role-of-services-in-global-value-chains>]

Eskeland, G. S., & Harrison, A. (2003). *Moving to greener pastures? Multinationals and the pollution haven hypothesis. Journal of Development Economics, 70(1), 1-23.* [DOI: 10.1016/S0304-3878(02)00050-2]

Grossman, G. M., & Helpman, E. (2002). *Integration versus Outsourcing in Industry Equilibrium. Quarterly Journal of Economics, 117(1), 85-120.* [DOI: 10.1162/003355302753399436]

Mattoo, A., & Wang, Z. (2019). *How Services and Service Industries Drive Global Value Chains. World Bank Policy Research Working Paper.* [Ҳавола: <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/31706>]

Mattoo, A., Rathindran, R., & Subramanian, A. (2001). *Measuring Services Trade Liberalization and its Impact on Economic Growth: An Illustration. Policy Research Working Paper, World Bank.* [Ҳавола: <https://documents.worldbank.org/en/publication/documents-reports/documentdetail/624951468767170989/Measuring-services-trade-liberalization-and-its-impact-on-economic-growth-an-illustration>]

Mehri, V. K. (2020) *The role of technopolis in Japan in the development of innovative activities / V. K. Mehri, D. Atadjanova // International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – Vol. 24, No. S1. – P. 983-990. – DOI 10.37200/IJPR/V24SP1/PR201243. – EDN BOPPNM.*

Umurzakov B., Vohidova M. (2017) *The need to create economic integration in Central Asia // Journal of Legal Studies. – 2017. – Т. 6. – №. – С. 54-69.*

Üngör, M., & Mirza, S. (2019). *The role of services in trade: a cross-country empirical investigation. Empirical Economics, 57(3), 977-1003.* [DOI: 10.1007/s00181-018-1522-x]

Vokhidova, M., & Yuanis, Y. (2020). *Development of Transboundary Trade and Economic Relations in Central Asia: Challenges and Solutions. Indonesian Journal of Law and Economics Review, 6, 10.21070/ijler.2020.V6.93.* <https://doi.org/10.21070/ijler.2020.V6.93>

World Trade Organization (WTO). (2019). *World Trade Report 2019: The future of services trade.* [Ҳавола: https://www.wto.org/english/res_e/booksp_e/world_trade_report19_e.pdf]